

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ЗООТЕХНИЯ ВА БАЛИҚЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ
“ЗООТЕХНИЯ” КАФЕДРАСИ**

БАКАЛАВРИАТ 5410600-ЗООТЕХНИЯ (турлари бўйича) ЙЎНАЛИШИ

**4-93 гурӯҳ талабаси
КАИМОВА ДИЛДОРА НАМОЗ ҚИЗИ ҚИЗИНИНГ**

**БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Мавзуу: “Қорамоллар рационида протейиннинг аҳмияти”

Илмий раҳбари:

“Балиқчилик, паррандачилик
ва асаларичилик” кафедраси
доцент, қ.х.ф.н

А.Х.Холматов

Битирув малакавий иши кафедрада
муҳокама қилинди ва ҳимояга
тавсия этилди № баённома.
Кафедра мудири, қ.х.ф.д.
 Ў.Р.Соатов
“ ” 2018 й.

Ҳимояга рухсат берилди.
Зоотехния ва балиқчилик
факультети декани, доцент
 Б.А.Қахрамонов
“ ” 2018 й.

Тошкент -2018 й

МУНДАРИЖА

1. Кириш.....	3
2. Мавзу мазмуни.....	7
3. 2.1. Ишнинг мақсади вазифаси ва бажарилиши услуби.....	7
4. 2.2. Протеин хақида умумий тушунча ва унинг ахамияти.....	9
5. 2.3. Сигирлар рационида протеиннинг ахамияти.....	28
6. 2.4. Ёш ва бўрдоқидаги қорамоллар рационида протеиндан фойдаланишда доир адабиётлар тахлили.....	38
7. 3. Асосий хулоса ва ишлаб чиқаришга таклифлар.....	42
8. Фойдаланилган адабиётлар.....	43

КИРИШ

Фермер хўжаликларини ривожлантириш қишлоқ хўжалик махсулотлари ва хом аўёси етиштиришни янада жадаллаштиришда истиқболли бўлмоқда. Уларда дехқончилик бир йўла чорвачилик ва айниқса қорамолчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қараилмоқда.

Республикамизда чорвачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаси бўлиб, ахолини озиқ-овқат махсулотлари ва саноатини хом-ашё билан таъминлаш вазифасини бажарад. Мамлакатимиз ахолисини етарли миқдорда гўшт, шу жумладан парранда гўшти ва гўшт махсулотлари, сут ва сут махсулотлари, тухум ва тухум махсулотлари билан таъминлаш, чорва ҳайвонлари бош сонини кўпайтириш, айниқса уларнинг махсулдорлигини оширишни тақазо этади. Шу боисдан чорва ҳайвонлари ва паррандаларининг янги зотлари, кросслари, тизмидан фойдаланиш, кенг миқёсда наслчилик ишларини олиб бориш ҳайвон ва паррандалар махсулдорлигини мутассил ошириб бориш имконини беради.

Юқоридаги муаммоларни ечиш учун хукумат томонидан қатор қарорларни қабул қилишни фермер ва ишбилармонлар учун барча шароитларни яратиб берди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликлирида чорва моллар бош сонини Кўпайтиришни рағбатлантириш кучайтириш хамда чорвачилик махсулларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чорва тадбирлар тўғрисидаги қарори алоҳида ахамият касб этади. Ушбу қарор наслчилик ишларини такомиллаштириш жараёнини жадаллаштириш учун зарур моддий, молиявий, божхона имкониятларини яратилиб берилиши чорвачиликни барча соҳаларида ҳайвон ва паррандаларнинг махсулдорлигини ошириш имконларини очиб берди.

Хозир республикада 250 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлса, унинг 20 минга яқини чорвачиликка ихтисослашган. Уларнинг аксирият қисми қорамолчилик билан шуғулланмоқда. 2006 йилдан бошлаб чорвачилик фермер хўжаликлари қорамолларини жадал кўпайтириш хамда дехқончиликда ихтисослашган фермер хўжаликлирида чорвачиликни ва айниқса қорамолчиликни ташкил қилиш чора-тадбирларни ишга солинган.

2006-2010 йиллари даврида шахсий ёрдамчи , дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари , биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурида кўрсатилишича:

-минтақалар бўйича шахсий ёрдамчи , дехқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар сонини кўпайтириш;

-зооветеренария пунктлари ва чорва молларини снъий урчитиш пунклари тармогини кенгайтириш;

-зотли молларни шахсийёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларига аукционлар орқали сотиш назарда тутилган.

Қўйилган масаларни ечишда қорамоллар сонини кўпайтириш , уларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилашдаги асосий йўналиш сутгўшт маҳсулдорли қорамол зотларига тегишилдири . чунки ушбу зотли қорамоллар республикада етиштирилаётган сутнинг 98-99 фоизини ва гўштнинг 70 фоизини яқинини таъмин этмоқда. Уларнинг зотдорлиги ва маҳсулдорлигини такомиллаштиришда наслчилик селекция ишлани ташкил этиш ўзининг самарасини беради.

Республика Президентининг фармон ва қарорлари, хукумат қарорлари бу борада дастури-амал бўлиб хизмат қилмоқда. Бу хужжатларда чорвадорлар учун барча шарт-шароит ва имтиёзлар ўз аксини топган.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2006 йил 22 мартағи «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очиб берди.

Мамалакатимизда чорвачиликни ривожлантириш учун мустақиллик йилларида барча имкониятлар яратиб берилди. Чорвачиликни хусусийлаштириш натижасида чорва ҳайвонлари эгасини топди, фермер, дехқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларида чорва бош сонлари кўпайиб, маҳсулот етиштириш кескин оши.

Фермер хўжаликлари учун хар шартли бош молга 0,30-0,45 га ер ажратилиб берилиши натижасида чорва ҳайвонлари учун етарли миқдорда турли хилдаги озуқалар етиштирилиб, молларни тўлақийматли озуқлантириш имкониятлари яратилди. Чорва маҳсулотларига давлат бюджетлари ва харид баҳоларини бекор қилишни чорвадорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш имконини берди.

Ушбу қарорга биноан ижтимоий масала, яъни мол боқиш билан шуғулланган ахолинниг меҳнат дафтарчаларига иш стажи ёзилиши фермерларда қорамолларда сонини кўпайиши, зооветеринария ва наслчилик хизматлари кўрсатиш, шахсий, ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларига наслдор моллар етказиб бериш, мол сотиб олиш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш, эҳтиёжманд ва кўп болали оиласарга бепул сигир ажратиш, омихта ем билан таъминлаш, 2010 йилгача республикага олиб келинаётган наслчилик материали, технология ва ёрдамчи ускуналарни бож тўловларидан озод қилиниши назарда тутилган. Қарорнинг барча бандлари мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш истиқболларини очиб берди.

Юқоридаги муаммоларни ечиш учун хукумат томонидан қатор қарорларни қабул қилишни фермер ва ишбилармонлар учун барча шароитларни яратиб берди.

Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий, ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантириши кўпайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарор алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу қарор наслчилик ишларини такомиллаштириш, жараёнини жадаллаштириш учун зарур моддий молиявий, божхона имкониятларини яратиб берилиши чорвачиликнинг барча соҳаларида

ҳайвон ва паррандаларнинг маҳсулдорлигини ошириш имкониятларини очиб берди.

Шу босидан мулк шаклидан қаътий назар хар бир чорвадор қарор имтиёзларидан тўлиқ фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 21 апрел 2008 йилдаги Шахсий, ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кўпайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори кўпчилик муаммоларни тўлиқ ечиб бериш имконини берди. Ушбу қарорда чорва бош сонларини 2008-2010 йилларда кўпайтириш истиқболлари, аҳолига мол сотиб олиш учун микрокредитлар, чорва фермалари ерларида фақатгина озуқа экинлари экиш, шрот, шелуха сотишни тартибга солиш, зооветеринария пунктлари очиш имкониятлари, чорвачилик жихозлари ва техникалари олиш, наслчилик ишини ривожлантириш кафолатлари ўз аксини топган.

И.А.Каримовнинг яқинда чоп этилган «Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» китоби, хозирги кунда хар бир чорвадор учун дастур бўлиши, хўжалик юритишнинг оқилона усуллари қўллаш, янги кам ҳаражат технологияларни жорий этиш, маҳсулот сифатини ошириш эазига рақобатбардош, экспортбоп маҳсулот этиштиришни, ҳаражатларни камайтириб, фойда билан ишлашни тақазо этади.

Республикамизда чорвачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаси бўлиб аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хомашё билан таъминлаш вазифасини бажаради. Мамлакатимиз аҳолисини етарли миқдорда гўшт, шу жумладан пархезбоп парранда гўшти ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, тухум ва тухум маҳсулотлари билан таъминлаш, чорва ҳайвонлари бош сонини кўпайтириш, айниқса уларнинг маҳсулдорлигини оширишни тақазо этади. Шу боисдан чорва

ҳайвонлари ва паррандаларининг янги зотлари, кросслари, тизимларидан фойдаланиш, кенг миқёсда наслчилик ишларини олиб бориш, ҳайвон ва паррандалар маҳсулдорлигини муттасил ошириб бориш имконини беради.

Маълумки қорамоллар сонини жадал қўпайтириш қишлоқ ахолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оиласлар даромадини оширишнинг мухим омили бўлиб, сут ва гўшт етиштиришни жадаллаштиради. Ушбу омилларга эришишда аввало озуқа базасини яратиш ва молларни турли тўйимли озиқалар билан таъминлаш лозим. Қорамоллар ва шу жумладан зотдор сигирларни тўйдириб боқиши уларни протеин билан таъминланганлигига алоҳида эътибор бериш сигирларни маҳсулдорлигини жадал кўтарилишини таъминлайди. Молларни генетик маҳсулдорлик имкониятлардан самарали фойдаланишга эришилади.

II боб

2. МАВЗУ МАЗМУНИ.

2.1. Ишнинг мақсади вазифаси ва бажарилиш услуби.

Ҳайвонларни боқишида ва айниқса қиши даврида боқишида рационда протеиннинг ахамияти хақида жуда кўплаб илмий ишлар ўтказилган. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари меъда, ичак тизимида протеиннинг ахамияти хақида жуда кўплаб илмий ишлар ўтказилган. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари меъда, ичак тизимида протеиннинг хазм бўлиш жараёни, хазм бўлган қисми қонга сўрилиши ва қон орқали хужайра ва тўқималарга бориб организмда модда алмашинуви жараёнидаги ахамиятиковччи ҳайвонларнинг меъда олди бўлимларида катта қорин химусидаги микроорганизмлар томонидан протеинларни хазм бўлиш жараёни, меъда олди бўлимларида РН нинг 6,5-7,5 га teng бўлиш ва рационда қанд миқдорини норма талаблари даражасида бўлишининг ахамияти хақида хам Р. Хамроқулов (1999) батавсил маълумотлар беради. Хазм бўлиш жараёнининг нормал кесишувида протеиннинг меда олди суюқлигида фракцияси 35-45% дан ошмаслигининг ахамияти хам батавсил ёритиб, аграр бу фракцил 65-75% бўлганда кўплаб протеиннинг амиак гази холатида исроф бўлиш хам муаллиф томонидан яхши ёритилган.

Россия ва хамкорлик мамлакатларида, озиқлантириш фанини ривожлантиришга ўзларининг кўп йиллик илмий фаолиятларини бағишилаган етук олимлардан А.Д. Пшеничний ва А.П. Дмитриченколар (1975) озуқаларни протеинли, оқсилли ва аминокислотали тўйимлилигига абсолют миқдори бўйича баҳолаш билан бир қаторда уларнинг миқдорига нисбий кўрсаткичга баҳо бериш хам ўринлидир дейдилар. Бунда озуқа таркибидаги азотсиз органик моддалар миқдорини протеин миқдорига бўлган нисбатини тушунилади. Кейинги йилларда эса, паррандачиликда ва чўчқачиликда кенг қўлланилаётган энергия-протеин нисбати хам бор. Бунда 1 г ёки 1% тозаланмаган протеинга тўғри келадиган, МЖ да хисобланган алмашинувчи энергия миқдори тушунилади. Протеин ёки оқсил нисбати деганда рацион таркибидаги протеин бўлмаган хазм бўладиган органик

моддалар (ёғ 2,25 га) кўпайтириб олинади миқдорини хазм бўладиган протеин миқдорига бўлган нисбатини тушунилади. Бу нисбий кўрсаткичлар рацион таркибидаги органик моддаларнинг протеинли тўйимлилигини кўрсатади. Агарда I улуш протеинга 6 улушгача протеин бўлмаган хазм бўладиган органик моддалар тўғри келса, бундай холатни қисқа тор протеин нисбатли дейилади. Агар I улуш протеинга 6-8 улуш протеин бўлмаган хазм бўладиган органик моддалар тўғри келса, буни нормал протеин нисбати дейилади. Агарда уларнинг нисбати 1:8 ва ундан кўп бўлса, бу холатни кенг протеин нисбат дейилади. Булардан ташқари протеинли тўйимлиликка баҳо беришда протеинларнинг биологик тўлақийматлилиги бўйича хам баҳо берилади. Г.А. Богданов (1990) хам протеин ва энергиянинг махсулот ишлаб чиқариш учун сарф бўлиш самарадорлигига характеристика беришда рацион таркибидаги протеин миқдорини абсолют кўрсаткич билан баҳолаш етишмайди. Буни нисбий кўрсаткич-протеин нисбатини аниқлаш билан бўлдиришни тавсия қиласи.

Шунинг учун биз қорамолларни боқишда протеиннинг ахамиятига бағишлиланадиган адабиётларни шархлаш бўйича малакавий битирув ишни бажаришни мақсад қилиб қўйдик.

Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ўз олдимизга қўйдик.

1. Протеин хақида умумий тушунча ва унинг ахамиятига бағишлиланган адабиётлар тахлили.

2. Сигирлар рационида протеиннинг ахамияти хақидаги адабиётлар тахлили: ёш моллар ва бўрдоқидаги моллар учун протеиннинг ахамиятига доир адабиётлар тахлили.

2.2 Протеин хақида умумий тушунча ва унинг ахамияти

Хар бир хўжаликда унинг табиий-иктисодий хамда ихтисослиқ йўналишига хос бўлган қорамолчилик подасини оптималь меъёрда шаклантириш ва юритиш чорвачилик махсулотларини жадал етиштиришга имконият яратади. Катта шахарлар, саноат марказлари хамда ахоли тиғиз жойлашган худудларда сут-товар

жадал ривожлантириш, уларни ихтисослаштириш, сермахсул зотлардан фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини беради. Хўжаликда моллар бонитировка қилингандан сўнг, сигир ва ғунажинлар наслдорлик ва ишлаб чиқариш гурухларига бўлинади. Наслчилик гурухидаги ёки наслчилик негизидаги сигир ва урғочи таналар сони подани таъмирлаш хамда молларни брак қилиш вазифасига қараб белгиланади. Поданинг оддий ишлаб чиқаришида, яъни январнинг биринчи кунларида моллар сони бирдек тургун турса, наслчилик гурухига подадаги сигирларнинг 50-60 фоизи, кенгайтирилган ишлаб чиқаришида эса 70 фоизи ўtkазилади. Хўжаликда подани ташкил қилишнинг асосий факторларидан бири пода структураси ва уни тўғри ишлаб чиқиш, хамда молларни протеинга бой озуқалар билан таъминлаш хисобланади.

Пода структураси ёки тузилиши деганда, хўжалик ва фермерлардаги молларнинг жинси ва ёши бўйича гурухларининг фоиз хисобидаги нисбати тушунилиб, қўйидаги гурухларга ажратилади: наслдор буқа, сигирлар, ғунажинлар, бир ёшдан катта урғочи таналар, бир ёшгача бўлган урғочи таналар, бир ёшдан катта буқачалар ва бир ёшгача бўлган буқачалар. Шунингдек, молларнинг яйловда семиртириш ва боғлаб бўрдоқилаш гурухларихам бўлиши мумкин. Подадаги моллар жинси ва ёши бўйича гурухларининг нисбати йил давомида ўзгариб туради. Чунки бузоқларнинг туғилиши, молларнинг бир гурухдан иккинчи гурухга ўтказилиши ва брак қилиб, гўштга топшириш ўз таъсирини кўрсатади. Лекин барча гурухларда, айниқса кеч куз ва қиши даврида қорамолларни протеинга бўлган талабини қондириш керак.

Пода структураси йил бошланишида аниқланади. Бунда қорамолларнинг маҳсулдорлик йўналиши, хўжаликнинг наслдорлик категорияси ёки товарлик хусусияти, минтақанинг табиий-иктисодий ва хўжаликнинг аниқ ўзига хос шароитлари хисобга олинади. Чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ёш молларни парваришилаш, гўштга топшириш ва сигирларни брак қилиш топшириқларига эътибор берилади. Мол сонини кўпайтириш, сут ва гўшт ишлаб чиқариш жадаллиги хўжаликда қабул қилинган пода тузилишига боғлиқ.

Сут йўналишидаги қорамолчилик пода таркибида сигирлар салмоғининг

ошиши бузоқ олиш ва сут ишлаб чиқаришни кенгайтиради. Ёш моллар ва айникса, эркак моллар подадан ёшлигига даёк ажратилиб, бошка хужаликга ёки гуштга топширилиши, уларнинг подадаги салмоғини кескин қисқартиради. Жумладан, сут ишлаб чиқаришга ихтисослашган товар хўжаликларда эркак бузоқлар ва қисман урғочи бузоқларни бошқа хўжаликларга сотиш натижасида подадаги сигирлар салмоғи 60-65 фоизни ташкил қилиши мумкин. Айрим хўжаликларда бузоқларнинг бошқа ихтисослашган корхоналарга топшириш подадаги сигирлар салмоғини 80-85 фоизгача кўтаради. Бундай хўжаликларда сут ишлаб чиқариш хажми кескин ортади. Бизга маълумки, протеин организмда холос озуқали моддалардан синтез бўлади. Шунинг учун протеиннинг озуқа таркибидаги миқдори катта ахамиятга эга.

Нодавлат хўжаликлари-фермерлар сут йўналишининг жадаллаштирилган услубида ихтисослаштирилса, пода таркибидаги сигирлар салмоғи 60-65 фоизгача кўтарилиши мумкин. Лекин бузоқларни бошқа хўжаликларга сотиш эвазига подадаги сигирлар салмоғини 80-85 фоизга кўтариш тавсия этилмайди. Чунки подани кенгайтириш, махсулдор урғочи тана ва ғунажинлар билан таъмирлаш ва сигирлар махсулдорлигини кўтаришда қатор қийинчиликлар туғилади. Хар бир фермер подани ўзида етиштирган урғочи тана ва ғунажинлар билан тўлдиришга харакат қилиши керак.

Қорамолчилик чуқур ихтисослаштирилганда хўжаликлар мухусус ишлаб чиқариш йўналишида ихтисослашади. Жумладан, бир гурух хўжаликлар сут ишлаб чиқаришга, бошқа гурухлари гўшт ишлаб чиқаришга ва учинчи гурухдагилари урғочи бузоқ, тана ва ғунажинларни парвариш қилишга мослашар эди. Қорамолчиликни саноат негизида ривожлантиришдаохирги гурухдаги корхона ёки фермерлар бошқа хўжаликлардан урғочи бузоқларни 15-20 қунлигига ёки 2-3 ойлигига сотиб олиб, уларни яхши сақлаш ва юқори меъёрдаги озуқлантириш шароитларида 24 ойлигигача парвариш қилиб, қочирилгач яна уларни эгаларига сотиши мумкин. Эркак молларни боқишишга ихтисослашган хўжалик ёки фермерлар уларни 15-20 қунлигига ёки ойлигига сотиб олиб, жадал парваришлаш ва бўрдоқилаш технологиялари асосида 16-18 ойлигига ёки 400-450 килограммга

етказиб гўштга топширишади.

Бундай хўжаликларда оқсилга бой ўсимликлар кўплаб экиб мустахкам ем-хашак базаси яратилмоғи лозим.

Поданинг тугалланган циклида ишлайдиган подадаги сигирлар билан биргалиқда ёш молларни подани таъмирлаш ва гўштга сотиш мақсадида парвариш қиласи. Бу технологияда буқачалар ва брак қилинган ёш моллар жадал боқилиб, 15-18 ойлигидан гўштга топширилганда, подадаги сигирлар салмоғи 40-50 фоизни ташкил қиласи. Подадаги сигирларни ишлатилиш муддати ва уларни брак қилиш миқдорига қараб, подани таъмирлашга етарли миқдордаги моллар қолдирилади. Сигирларни ишлатилиш муддати қанча қисқа ва брак қилиш даражаси қанча юқори бўлса, таъмирлашга қолдириладиган урғочи бузоқ ва таналарнинг сони шунча кўп бўлади. Фермер товар хўжаликларида сигирларни хар йили брак қилиш миқдори 15-18 фоизни ташкил қиласи. Яъни, сигирларнинг подада ишлатилиш муддати ўртacha 6 йилга тўғри келади. Сут ишлаб чиқаришга ихтинослаштирилган фермерлар пода ишлаб чиқарилиш жадаллаштирган бўлса, у холда сигирларни брак қилиш миқдори 25 фоизгача етади ва фойдаланиш муддати ўртacha 4 йилни ташкил қиласи. Бунда кам махсул ва қисир сигирлар тездан гўштга топширилиб, ўрни махсулдор ғунажинлар билан тўлдириб борилади.

Наслчилик ширкат ва фермер хўжаликларида хамда наслчилик заводларида сигирлар салмоғи наслдор ёш молларнинг сотилиш муддатига боғлиқ ўзгариб туради. Наслдор буқачалар ва урғочи таналар ёшлигига қанчалик тез сотилса, шунча сигирлар миқдори кўтарилади. Жумладан, наслдор ёш моллар 12 ойлигидан сотилса, унда подада 50 фоизгача сигирлар қолдирилади. Поданинг наслдорлик ва махсулдорлик сифатини жадаллаштиришда таъмирловчи махсулдор ёш моллар сонини кўпайтириш ва хар йили сигирларнинг 20-25 фоизини махсулдор ғунажинлар билан тўлдириш хамда уларнинг бир қисмини (кам махсул) биринчи лактациясидаёқ подадан чиқариш (сотиш) мақсадга мувофиқдир. Шунда подадаги сермахсул сигирлар сақланиб, каммахсул бўлганлари биринчи туқсан махсулдор сигирлар билан алмаштириб борилади.

Пода таркибини белгилашда кичик ёшдаги моллар (бир ёшича, ундан катта урғочи таналар ва ғунажинлар) мүлжалдан күпроқ сақланади. Чунки касал бўлиб, ўсмай қолганларини брак қилишга тўғри келиши мумкин. Подадаги сигирлар салмоғи 60-65 фоизда мүлжалланганда пода ишлаб чиқариши тўғри ташкил қилиниши учун хар 100 бош сигир хисобига 15-17 фоиз ғунажин, 18-20 фоиз бир ёшданкатта ва 22-25 фоиз бир ёшгача бўлган урғочи таналар тўғри келиши керак. Сигирлар салмоғи кенгайтирилганда эса, таъмирлаш гурухидан ташқари ёш молларни 12 ойлигига гўштга сотиш мүлжалланади.

Шу боис биз хўжалик подасининг шакллантириш ва уни юритиш холатларини ўрганиб чиқдик.

Фермер хўжалиги пода ишлаб чиқаришининг тугалланмаган циклида фаолият олиб боради. Яъни хўжалик сут ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, эркак бузоқлар 6 ойлигидан бошлаб бошқа гўшт етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига 100-120 килограмм тирик вазнда сотиб юборилади. Урғочи тана ва ғунажинлар эса хўжаликнинг ўзида парвариш қилиниб, сигирлар подасини таъмирлашда фойдаланилади. Шу боисдан подадаги моллар таркиби турлича нисбий кўрсаткичларда ташкил этилган. Сигирларнинг маҳсулдорлиги кескин пасайганда, улар сурункали қисир қолишида, қаришида хамда турли касалликларга чалинганда, улар подадан чиқарилади. Сигирларни подадан чиқариш (брак қилиш) салмоғи ўртacha 18-22 фоизни ташкил этади. Фермер хўжалигини пода таркиби тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

Фермер хўжаликларида ем-хашак етиштириш ва молларни озиқлантириш системаларини тўғри ташкил қилиш муҳим ахамиятга эга. Молларни тўла кимматли ва узлуксиз озиқлантириш учун хужаликларда

сифатли озуқалар бўлмоғи лозим. Молларни қишиш ва ёз пайтларида ем-хашак билан таъминлаш учун кўп йиллик маданий озуқабоп экинлар экиш кўзда тутилади.

Чорвачиликни самарадорлигини ошириш учун кўп миқдорда ем- хашакни кўпайтириш талаб этилади. Ем-хашак базасини ривожланиши чорва туёғи

сонининг кўпайишидан ортиқ бўлиши керак. Шундай қилинган тақдирдагина молларнинг махсулдорлигини ошириш мумкин.

Ем-хашак етиштиришни ташкил этиш хўжаликнинг конкрет шартшароитига, озуқабоп ўсимликларнинг хосилдорлигига, бир гектар ердан олинадиган озиқ бирлиги ва протеиннинг миқдорига, ундаги озуқаларнинг таннархига ва бошқаларга боғлиқдир. Ёзда сигирлар махсулдорлигини оширишнинг энг муҳим шарти юқори сифатли ва кўп йиллик маданий яйловлар ташкил этишдир. Бунда протеинга бой бўлган озуқабоб ўтлардан беда, соялардан кенг фойдаланиш талаб қиласи. Яйловлар етишмаса, молларнинг кўкат озуқаларга бўлган эҳтиёжи кўк конвейр ташкил этиш йўли билан қондирилади. Хўжаликларда ем-хашак етиштиришни ташкил этиш билан бир қаторда озуқа тарқатишни механизациялаштириш хам катта ахамиятга эга.

Озиқ моддаларни олишга сарф қилинадиган ем-хашак сут етиштиришда, бошқа чорва махсулотларини етиштиришга қараганда кам сарфланади. Масалан, сутдаги 1000 ккал озуқ моддаларни олиш учун 2,0 озуқа бирлиги сарфланса, қорамол гўштига 10,2 озуқа бирлиги сарфланади. Сут етиштиришда озуқа моддалар бирлиги бўйича қорамол гўшти етиштиришга қараганда 5,5 баравар ем-хашак кам сарфланади. Бунда кўкат озуқалар, пичан, силос ва сенаж хамда илдиз мевали каби озуқалардан фойдаланилади. Сут етиштиришда молларнинг эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун пичан, силос, сенаж, ўт уни ва илдизмевали озуқаларни кўпроқ етиштиришни талаб этади. Шу муносабат билан чорвачиликни жадал ривожлантириш мақсадида ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиб ва уни амалга ошириб озуқа базасини барпо этиш мумкин. Кўп йиллик ўтлар майдони кенгайтирилиб, уларнинг хосилдорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ем-хашак тайёрлашда ва уни сақлашда жадал усул бўлган, ўтларни яссилаб эзадиган машиналар ёрдамида уриш ва пичанни фаол шимоллатиш йули билан куритиш, сенаждан брикетлар тайёрлаш, витаминли ун қилиш, силос бостириш ва илдизмевали экинларни экишни кўпайтириш ишлари олиб борилмоқда. Табиий ўтлоқларнинг, айниқса, чўл ва ярим чўл худудларда ерларнинг хосилдорлигини

ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Сут ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун чорвачилик объектлари жойлашган жойга озиқага бой экин экиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ширали ва дағал озуқалар учун бир гектар ердаги энг кўп озиқа бирлиги олинадиган ўсимликларни танлаб экиш тавсия қилинади. Илфор хўжаликларнинг тажрибаси кўп йиллик маданий яйловлар нихоятда фойдалари эканлигидан далолат бермоқда. Ёз пайтида кўкат озуқалардан фойдаланилганда молларнинг маҳсулдорлиги энг юқори даражага етади. Шунинг учун кўп йиллик маданий яйловларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Барча фермер хўжаликлирида ем-хашакнинг барча турларини ўзларида этиштириш белгиланган. Аммо кўпчилик хўжаликларда молларни озуқлантириш даражаси рационнинг умумий кўрсаткичига нисбатан паст даражада. Натижада 24 ойлик ёшдаги молларнинг гўштга топширилаётгандаги тирик вазни 300 кг дан ошмайди. Молларни боқишининг самарадорлиги рационнинг сифатига, таркибидаги протеин миқдорига боғлиқ. Агарда хўжаликларда молнинг тирик вазнини 1 кг га ошириш учун 10-12 кг озук бирлиги сарфланаётган бўлса, илфор хўжаликларда 8-9 кг озук бирлиги сарфланмоқда. Бу шуни кўрсатадики, моллар рационида тўйимли омиҳта емларнинг улуши кўпайса, рационнинг озук моддалардан фойдаланиш 30 % га ошади.

Ёш моллар тўйимли озуқалар билан озиқлантирилганда уларнинг ёш организмининг тез ўсиш қобилиятидан тўла фойдаланилади, шу билан бирга тирик вазнининг ўсиш бирлигига озук моддалар кам сарфланади.

Ем-хашак этиштиришни кўпайтириш барча чорва маҳсулотини кўп миқдорда ишлаб чиқаришга асосий база хисобланади.

Маълумки, сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ортган сари улар озуқа рационининг сифатига ва тўла қимматлилигига талабчан бўлади. Сутдор сигирлар организмида модда алмашинуви жараёни ўсаётган молникига ва гўштдор қорамолларникига қараганда хам анча юқори бўлади.

Сутдор сигирлар меъда олди бўлимларида турли хил микроорганизмлар жуда кучли ривожланган бўлиб, уларнинг биомассаси 3 кг (қуруқ модда хисобида) гача боради. Бу микроорганизмлар катта қорин, тўр қорин ва қат қоринларда озуқалар

таркибидаги мураккаб углеводлар ва протеинларни энг оддий туригача парчалайдилар.

Соғин сигирлар кун давомида клетчаткага бой бўлган қўплаб микдордаги хажмдор озиқаларни ошкозон ичак тизимида хазм қилишларида меъда олди бўлимларининг нихоятда катта хиссалари бор.

Сўнгги йилларда сут ишлаб чиқариш фермерлик хамда йирик комплексларда мужассамлашган бўлиб, уларда сигирларни асрашнинг асосан З та усули қўлланилади: молхоналарда боғлаб боқиш, тўшамали сигирхоналарда боғламасдан ва молхоналарда боғловсиз боксларда боқиш.

Соғин сигирлар учун қишинарни қисиғи қадимларни дарёларни таҳомиди, табиий яйловлар пичани, баҳорги экинлар похоли, пахта шелухаси, сенаж ва илдизмевалар яхши озиқа хисобланади. Рационнинг энергетик тўйимлигини ошириш учун арпа, сули, жавдар, маккажўхори донлари ёрма сифатида, пахта шроти, буғдой кепаги сингари концентрат озиқалар қўлланилади. Рационнинг протеинли ва витаминли тўйимлигини ошириш учун дуккакли ўтлардан тайёрланган ўт уни ёки сояда қуритилган, япроқлари тўқилмаган пичанлардан тайёрланган витаминли пичан унларидан фойдаланиш хам яхши натижа беради. Вино ва пиво заводлари чиқиндилари (барда) хам соғин сигирларни сутини қўпайтириш хусусиятига эгадир.

Ёз даврида рационининг асосини эса экилган дуккакли ва бошоқли ўтлар, яйлов ўтлари, яшил конвейер ва маданий яйлов ўтлари, хамда қисман юқорида қайд қилинган концентрат озиқалар ташкил қиласади.

Силос, сенаж ва илдизмевалар етарли микдорда бўлганда соғин сигирларнинг кун сутдорлигига қараб ўртача хар 100 килограмм тириквазнига 1,5-2 кг (3 килограммгача) сифатли баҳорги арпа, сули, жавдар ёки тарик похоли, маккажўхори ёки жўхори пояси билан алмаштириш мумкин.

Чорва молларини маҳсулдорлигини оширишда айниқса, маҳсулдорлик кўрсаткичларини потенциал имкониятларини руёбга чиқаришда омиҳта емларнинг ахамияти каттадир. Хар хил озуқа воситаларидан тайёрланган аралашма (омиҳта ем) озуқа хайвонларни турли хил тўйимли моддаларга бўлган

талабларини қондиришда бир-бирини тўлдиради. Рационни хазм бўлишини, уни биологик тўлақимматлилигини оширади. Омихта ем таркибига кирадиган озуқа воситаларини махсус дастур асосида электрон хисоблаш машиналаридан фойдаланиб танланади.

Омихта ем хайвоннинг жинси, ёши, физиологик холати ва махсулдорлигига қараб турли рецептлар бўйича ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш шароитида яхши натижа берган рецептлар Давлат стандарти томонидан тасдиқланади. Турли хил хайвонлар учун қабул қилинган омихта ем рецептларига махсус тартиб рационлари белгиланади.

Хўжаликнинг озиқабоп экинлар майдони бир йўла дехқончиликда тупроқ унумдорлигини кўтаради хамда чорвачилик махсулотлари етиштиришга хизмат қилади. Шу боисдан биз хўжаликнинг озиқа базаси холатига эътибор қаратдик.

Хўжаликнинг 30 гектар беда майдонидан пичан хисобида 1050 центнер хосил олинган ёки хар бир гектар беда майдонининг хосилдорлиги пичан хисобида 35 центнерга, беда кўк масса хисобида 10200 центнер хосил олинган ёки хар бир гектар беда майдонининг хосилдорлиги кўк масса хисобида 341,5 центнерга тўғри келган.

Масалан, Ш. Миражмедов фермер хўжалигига озуқа базаси қуйидагича бўлган.

Жадвал-1

Хўжаликнинг озиқа базаси кўрсаткичларн

Озуқа турлари	Ялпи хосил, центнер
Беда пичани	1050
Беда кўк массаси	10200
Маккажўхори силоси	6300
Маккажўхори дони	140
Хашаки лавлаги	1503
Сомон	160
Жами озиқалар тўйимлилиги, озиқа бирлиги	4010,5

Силос учун 15 гектар майдонга экилган маккажўхоридан 6300 центнер хосил олинган, яъни хосилдорлик гектарига 420 центнерга тўғри келган. Такрорий экин

сифатида 10 гектар майдонга экилган маккажүхоридан дони олиниб, пояси силосга бостирилган. 10 гектар макка майдонидан 140 центнер яъни гектаридан 14 центнер дан макка дони олинган.

Булардан ташқари 3 гектар майдонга хашаки лавлаги экилган бўлиб, хосилдорлиги гектарига 501 центнерни ташкил этган.

Озиқа базасини яратишда хўжаликда ишлар яхши йўлга қўйилган десак бўлади. Яъни унумли хосил олиш мақсадида ерга минерал ва махаллий ўғитлардан самарали фойдаланилмоқда. Масалан, маккажүхори 6 барг бўлганида гектарига 200 килограммдан карбамид солиниб, июл-август ойларида гўнг шарбат холида гектарига 2 тоннадан берилган. Лекин шунга қарамасдан концентрат озиқалар тайёрлаш йўлга қўйилмаган, яъни хўжалик шротни 1 килограммини 1200 сўмдан ва кепакни 1 килограммини 600 сўмдан сотиб олмоқда. Бу эса ўз навбатида махсулотлар ишлаб чиқаришнинг таннархини оширади ва рентабеллик даражаси пасайиб кетади.

Ўсимлик ва ҳайвон танаси таркибидаги озуқнинг қуруқ моддасини таркибида азот элементи бўлган қисмини тозаланмаган протеин дейилади. Тозаланмаган протеинни таркибига азотли бирикмалардан жуда кўп моддалар кириб улардан асосийлари оқсилилар ва оқсилилк хусусиятига эга бўлмаган азотли бирикмалардир. Уларга амидлар, аминакислоталар амидлари, таркибида азоти бўлган глюкозидлар, органик асослар, аминлар, туриналар, пириимидинлар, нитрид, нитратлар, алколоидлар, таркибида азот элементи бўлган литидлар, мочевина (карбомид) ва бошқа аммоний тузлари сингари жуда кўп бирикмалар киради.

Оқсилилк хусусиятига эга бўлмаган барча азотли бирикмалар илиқ сувда эрийди. Зооанализда бу хусусиятига эга бўлмаган азотли бирикмаларни амидлар деб қабул қилинган.

Оқсилил молекуласида 50,6 – 54,5 % углерод, 21,5 – 23,5 кислород, 6,5 - 7,8 % водород, 15 – 18,4 % азот ва 0,3 – 2,5 % олтингугурт бор. Оқсилилар жуда хилмахил ва мураккаб тузилишга эга бўлганлигидан ҳанузгача баъзи оқсилиларнинг кимёвий формуласи аниқланмаган.

Оқсиллар таркибида оз миқдорда бошқа минерал элементлар ҳам бўлиши мумкин. Оқсилинг тирик организм учун аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Оқсиллар ўсимлик ва ҳайвон танаси таркибида турли миқдорда учрайди. Илдиз-мевалар таркибида 0,5 – 1,0 %, бошоқлилар донида 8 – 12 %, шрот, кунжараларда 30 – 45 %, ҳайвон танасида 13 – 18 % ва қон унида (куруқ моддасида) 80 – 90 % гача оқсил бўлиши мумкин. Ҳар хил оқсил молекуласи табиий ҳолатидагина ўзига хос фазовий тузилишга эга бўлади. Бундай ҳолатни конформация дейилади. Конформацияси бўйича оқсиллар 2-та синфга бўлинади:

1-синфга фибриляр оқсиллар кириб, улар намокопда ва тузли эритмаларда эриймайди. Уларда бир-бирига параллел жойлашган полипептидлар (фибриллар) узун толаларни ёки қатламларни ҳосил қиласида. Шунинг учун бундай оқсилларни фибриляр оқсиллар дейилади;

2-синфга полипептид толалари кампакт шарсимон шаклда жойлашган бўлиб, бу оқсилларни глобуляр оқсиллар дейилади. Бу оқсиллар хужайраларда динамик функциясини бажаради. Глобуляр оқсиллар деярли барча ферментлар, гормонлар, антителалар сингари оқсиллардир.

Оқсиллар метал тузлари ва ишқор таъсиридан чўкмага тушади. Қайнатиш таъсирида ҳам чўкмага тушади. Бундай ҳолатни денатурация дейилади. Бу оқсилларда молекулалараро кучни ўзгариши оқибатида уларнинг конформацияси кескин ўзгаради. Ҳар бир оқсил холосгина ўзига хос молекуляр тузилишга эга бўлиб, бу мураккаб занжирда ҳар хил аминокислоталар турли комбинацияда бир-бири билан туташган бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир оқсил молекуласи бошқага ўхшамайди.

Оқсиллар кислота, ишқор ва ферментлар таъсиридан аминокислоталарга парчаланади. Организмда ҳаётий жараённи бир меъёрда кечиши учун бу аминокислоталарнинг аҳамияти турличадир ва бу муаммо охиригача ҳал этилмаган. Бизга маълумки, баъзи бир аминокислоталар ҳайвон организмида етарлича синтезланади. Бундай аминокислоталарни ҳаётий зарур бўлмаган аминокислоталар дейилади. Бошқалари эса организмда кам синтезланади. Бундай аминокислоталар ни ҳаётий зарур аминокислоталар дейилади. Кавш

кайтармашдиган хайвонлар рационида бу аминокислоталар миқдорини ҳардоим назорат қилиб бориў керак. Кавш қайтарувчи хайвонларнинг (қора мол, қўй-ечки, буғилар, туялар) меъда олди болимларида яшайдиган турли ҳил бактериялар, инфузорлар ва бошқа бир хужайрали микроорганизмлар ўзлари учун керак болган хаётиш зарур аминокислоталарни ва сувда ерийдиган витаминлар гурухини синтез қиласидилар. Шунинг учун кавшовчи хайвонларда ҳаётий зарур аминокислотарар В гурух витаминлар миқдори назорат қилинмайди.

Озуқлар таркибидаги протеиннинг биологик тўла қимматлигига баҳо беришнинг хар-ҳил усуллари мавжуддир дейди Р.Ҳамроқулов(1999). Улардан бири протеин таркибидаги ҳаётий зарур аминокислоталар миқдоридир.

Бунда протеиндан фойдаланиш коеффициенти қанчалик юқори бўлса, шунчалик протеиннинг биологик тўлақимматлилигини юқорилигини билдиради. Биз бу ишда протеинларга қисқача тариф бердик холос.

Бундан маълум болишича организмда ёғлар углеводлардан ҳам хосил бўлишини биринчи бўлиб Н.П.Чирвинский (Г.А.Богданов 1990) кашф қилди. Лекин оқсиллар организмда фақат азотли моддалардангина ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам барча турдаги хайвонлар паррандалар рационида протеинларнинг миқдори (тозаланмаган ва ҳазм бўлувчи протеин, ҳаётий аминокислоталар) назорат қилинади.

Интернет маълумотлари (Мария Яроненко, магистр МВА, сотрудник НимАЦ) хабар беришича, ҳайвон организмида протеин тўхтовсиз синтезланиб турди, чунки ривожланиши, биологик фаол моддаларни синтезлаши учун эскирган хужайраларни ўрнига янгиларини синтезига ҳамда махсулот ҳосил болиши учун сарф қилмнади. Шу билан бир қаторда тўқималарни доимий равишда ўзини қайта тиклаб туриши учун оқсиллар ишлатилади. Оқсиллар озуқалар ошқозон-ичак системасида ҳазм бўлиб қонга сўрилган оминокислоталардан синтезланади ёки модда алмашув жараёнида ҳосил бўлади.

Специфик оқсилларни синтез бўлиши учун зарур бўлган аминокислоталар ҳайвон организмида синтез қилинади, қолганлари эса хётий зарур аминокислоталарни ҳайвонлар озуқи билан истемол қилишлари керак.

Озуқадаги хаётый зарур бўлган аминокислоталарнинг миқдорига қараб оқсиллар тўлақимматли ва тўлақимматли бўлмаган оқсилларга бўлинади.

Тўлақимматли оқсиллар деб таркибида барча хаётый зарур аминокислоталар бўлиши керак. Бунга деярли барча хайвонлар махсулотидан олинган озуқалар таркибидаги оқсиллар кириб, айрим ўсимлик махсулотидан олтнган озуқа оқсиллари киради. Яна тўлақимматли оқсилда хаётый зарур ва хаётый зарур болмаган оқсилларни ўзаро нисбати ҳам хисобга олиниб, унинг тўлақимматлилиги бу озуқанинг хайвон организмида сингиши даражасини белгилайди. Бу корсатгич 100 гр озуқадаги протеиндан неча грамм тана оқсили сенбез бўлишини ифодалайди. Шундай қилиб хайвонлар махсулотидан олинган озуқаларда бу корсатгич 75-95%ни, ўсимлик оқсили 60-65 % ташкил қиласди.

Ўсимлик оқсилини ҳайвонлар томонидан фойдаланиш самараадорлиги 8– 45 % гача боради. У ҳайвоннинг тури, ёши, озуклантириш шароити ва озуқанинг биологик тўлақимматлигига боғлиқ.

Кавшовчиларни озукланишида протеиннинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Рационда оқсилнинг аҳамиятини тўлароқ тушуниш учун асосий тушунчага эга бўлиш керак, бу эса озуқанинг протеинли тўйимлилигидир. Протеинли тўйимлилик деганда озуқанинг ҳайвонларни хаётый зарур ва хаётый зарур бўлмаган аминокислоталарга бўлган талабини қондириши тушунилади.

Биринчи навбатда протеинли тўйимлилик деганда озуқадаги тозаланмаган протеин миқдори хисобга олинади, чунки у озуқадаги органик модда таркибида азот сақлайдиган бирикмаларни ўз ичига олади.

Хайвон танасини ва ўсимликларнинг кимёвий таркибини тахлил қиласдиган фан сохасини зооанализ фани дейилади. зооанализда олинган озук намунасидаги против миқдорини топиш учун ундаги азот миқдорини топилади ва бу азот миқдорини 6,25 коэффицентига қўпайтириб против миқдори топилади, чунки противинда ўртacha 16% азот бор деб ($100:16=6,25$) қабул қилинган. Ўсимлик ва хайвон танаси таркибидаги озуқанинг қуруқ моддасини таркибида азот элементи бўлган қисмини тозаланмаган протеин дейилади. Тозаланмаган протеинни таркибида азотли бирикмалардан жуда қўп моддалар кириб улардан асосийлари

оксиллар ва оксиллик хусусиятига эга бўлмаган азотли бирикмадир. Уларга амидлар, аминокислоталар амидлари таркибида азоти бўлган глюкозидлар, органик асослар, аминлар, куринлар, нитратлар, алкоидлар, таркибида азот элементи бўлган микидлар, мочивина ва бошқа аммоний тузлари сингари жуда кўп бирикмалар киради. Оксиллик хусусиятга эга бўлмаган барча азотли бирикмалар илиқ сувда эрийди. Зооналаизда бу оксиллик хусусиятига эга бўлмаган азотли бирикмалар амидлар деб қабул қилинган. Бу албатта тўғри эмас чунки бунда оксил ва амидлар таркибида азот миқдори бир хилда бўладидеб фараз қилинади. Бу албатта хатодир, чунки азотли бирикмалардан “амидлар таркибида азотнинг миқдори 16% эмас балки 7% дан 21% гача бўлиши мумкин.

Кишлоқ хўжалик ҳайвонлари узоқ йиллик эвалюцион давр мобайнида озуқа хазм қилиш характери бўйича иккита катта группага бўлинади: 1) меъдаси бир камерали от, чўчқа ва қуён сингари ҳайвонларда озуқанинг хазм бўлиш жараёни озуқа хазм қилувчи ферментлар таъсиридан бўлади. Хазм бўлган озуқ моддалар эса ичиларда қонга сўрилади.; 2) Бу группага қорамол қўй, эчки, шимолий буғи меъдаси тўрт камерадан иборат бўлган кавшовчи ҳайвонлар кириб истеъмол қилинган рацион таркибидаги органик моддаларнинг кўп қисми меъда олди камераларида микрофлоралар томонидан хазм бўлади ва шу ерда қонга сўрилади. Буларнинг хазм бўлиш жараёнида озуқа хазм қилиш органларнинг ферментлари қатнашмайди. Ингичка ичакка эса микроорганизмлар томонидан хазм бўлмаган озуқалар ўтади. Россия ва хамкорлик мамлакатларида озуқлантириш фанини ривожлантиришга ўзларининг кўп йиллик илмий фаолиятини бағишлиган етук олимлардан А.Д. Пшеничный ва А.П. Дмитриченколар (1975) озуқаларнинг протеинли, оксилли ва аминокислотали тўйимлилигига характеристика бериб озуқаларни протеинли тўйимлигини абсолют миқдори бўйича баҳолаш билан бир қаторда уларнинг миқдорига нисбий кўрсаткичда баҳо бериш хам ўринлидир дейдилар. Бунда озуқа таркибидаги азотсиз органик моддалар миқдорини протеин миқдорига бўлган нисбатини тушнилади. Кейинги йилларда паррандачиликда ва чўчқачиликда кенг қўлланилаётган энергия-протеин нисбати хам бор. Бунда 1 г ёки 1% тозаланмаган протеинга тўғри келадиган мЖда хисобланган алмашинувчи

энергия миқдори тушунилади. Протеин ёки оқсил нисбати деганда рацион таркибидаги протеин бўлмаган хазм бўладиган органик моддалар (ёф миқдорини 2,25 га қўпайтириб олинади) миқдорини хазм бўладиган протеин миқдорига бўлган нисбатини тушунилади. Бу нисбий кўрсаткичлар рацион таркибидаги органик моддаларнинг протеинли тўйимлилигини кўрсатади. Агарда 1 улуш протеинга 6 улушгача протеин бўлмаган хазм бўладиган органик моддалар тўғри келса бундай холатни қисқа тор протеин нисбатли дейилади. Агар 1 улуш протеинга 6-8 улуш протеин бўлмаган хазм бўлувчи органик моддалар тўғри келса буни нормал протеин нисбати дейилади. Агарда уларнинг нисбати 1:8 ва ундан кўп бўлса бу холатни кенг протеин нисбат дейилади. Булардан ташқари протеинли тўйимлиликка баҳо беришда протеинларнинг биологик тўлақимматлигиги бўйича хам баҳо берилади. Г. А. Богданов (1990) хам протеин ва энергиянинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф бўлиш самарадорлигига характеристика беришда рацион таркибидаги протеин миқдорини абсолют кўрсаткич билан баҳолаш етишмайди. Буни нисбий кўрсаткич-протеин нисбатини аниқлаш билан билдиришни тавсия қиласи.

Е.А. Петухова ва бошқалар (1990) озиқа ёки рационнинг протеинли тўйимлилиги 1 кг озиқа таркибидаги ёки 1 озиқа бирлигига тўғри келадиган тозаланмаган ёки хазм бўладиган протеиннинг грамм хисобидаги ёки процентда ифодаланган миқдори билан ўлчанилади дейди. Озиқа таркибидаги протеиннинг миқдори ўсимлик тури ўсиш шароити озиқани тайёрлаш ва асраш ва шунга ўхшаган кўп шарт-шароитларга боғлиқдир. Ёш ўсимликлар илдиз мева силос протеини таркибига оқсиллардан ташқари жуда кўп омиллар деб аталувчи азотли бирикмалар киради дейди. Кавшовчи хайвонлардаги озиқани протеинли тўйимлилигига баҳо бериш чўчқа ва паррандалар учун етарли эмасдир. Булар рационидаги протеинга баҳо беришда протеин таркибидаги хар хил аминокислоталарнинг миқдорини хам билиш керак.

Озуқаларни тўйимлилигига баҳо беришда зоотехния фанининг асосчиларидан бири бўлган Богданов Е.А. (1925 йилларда дейди проф. А.С. Солун (1971) крахмал эквиваленти бўйича баҳо бериш етишмаслигини айтган. Бу

билин бирга озиқаларни тўйимлилигига баҳо беришда оқсилли ва бошқа факторлар бўйича хам баҳо беришни таклиф қилган эди. Бу факторлар ичидаги энг хал қилувчи фактор озиқаларнинг витаминли тўйимлилиги бўлишини такидлаган эди.

Софин сигирни озиқлантиришда озуканинг протеинли тўйимлилиги устида илмий изланишлар олиб борган М.Ф. Томмо (1958) ВИЖнинг соғин сигирлар учун протеинли тўйимлилик нормасини яратишда сут хосил бўлиш учун маҳсулот хосил бўлиши учун сарф бўладиган протеиннинг 50-60%ини протеиннинг фойдаланиш коэффициенти деб қабул қилган эди.

И.С. Попов (1959-1963) соғин сигирлар учун озиқаларнинг протеинли тўйимлилиги бўйича жаҳон адабиётларини ўрганиб чиқиб соғин сигирлар учун протеиндан фойдаланиш коэффициентини ВИЖ томонидан 50% деб қабул қилиниши нотўғри жуда кам деган холосага келди ва уни 70% гача қўтариш кераклигини айтди. Худди шунинг учун ВИЖ томонидан қабул қилинган протеин нормасини 15-27% га камайтириш таклиф қилинди. Бу эса ўз навбатида сигирларнинг саломатлигига ва маҳсулдорлигига таъсир қилмайди деб фараз қилинади.

П.В. Демченко (1963) соғин сигирларнинг протеин нормасини 10-15% камайтиришни таклиф қиласди. Айрим изланувчилар эса аксинча соғин сигирлар учун ВИЖ қабул қилган протеин нормасини оширишни таклиф қиласдиган. Масалан, шундай фикрни Н.А. Староверов (1963) билдирган.

Академик Калашников А. (1989) соғин сигирларни ёз даврида боқиши борасида ёзадики, кўк ўт таркибида хамма тўйимли моддалар мавжуд шу жумладан тўлақимматли протеин хаётий зарур аминокислоталар, ферментлар, витаминалар хам минерал моддалар етарли микдорда бордир дейди. Кўк ўтлар таркибидаги хлорофиллар қон хосил бўлиш процессини активлаштиради.

Коршунов В.Н. (1989) ёзишича юқори маҳсулдорли сигирларнинг генетик потенциалини рўёбга чиқаришда хал қилувчи фактор озиқа таркибидаги оқсил дефицидини бартараф қилишдир дейди. Ҳайвонлар рационида протеинга бой озиқаларни қўпайтириш билан бир қаторда уни ҳайвон организмида хазм

бўлишини хам яхшилаш керак. Бунинг учун протеин таркибидаги сувда эримайдиган фракцияси 50-55% бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Проф. Половани Д.М. ва бошқалар (1989) карбамиддан фойдаланишни хатарсиз усулини таклиф қилдилар. Улар таркибида 55-60% карбамид бўлган брикет қилишни тавсия қилдилар ва бундай брикетни ҳайвонлар ялаб ейдилар.

Ҳайвонларни баланслаштирилган рационлар билан озуклантиришда протеиннинг меъёр даражасида бўлишининг нихоятда катта роли борлгини Р. Хамроқулов ва бошқалар (1999) хам таъкидлайди.

Тивит йўналишидаги улоқларнинг гўшт маҳсулдорлигига рациондаги протеин меъёрини таъсирини ўрганар экан, проф В.А. Сегин (2002) таклиф қилдики деталлаштирилган озук нормасидаги протеин меъёрини 10% ошириш иқтисодий томонидан самарадорлигини таъкидлайди.

Новгород давлат университетининг олимларидан В.В. Гничева (2002) турли йўнғичка навларини илдизида азот тўплаш имкониятини оширадиган микроорганизмлар штампларидан фойдаландилар. Натижада 1 га беда майдонидан 78-180 кг қўшимча тозаланмаган протеин олинди. 348 штампи Волосовский 86 навли йўнғичкада катта эффект бериб 1 га бедапоядан 157 кг қўшимча тозаланмаган протеин олиш имконини берган.

Чўчқаларни боқишда озуқабоб балиқ концентратидан фойдаланишнинг самарадорлиги хақида Ю.П. Фомичов ва бошқалар (2002) ёзишича чўчқалар учун омихта емни протеини бўйича 10, 20% ни 4-6 чўчқалар рационида озуқабоб балиқ концентрати билан алмаштириш уларни ўсиш жадаллигини оширган ва озуқа сарфини камайишига олиб келган.

Л. Ланраус (2004) хамкорлик мамлакатларида чорва молларини қиши фаслида озуклантиришда протеиннинг етишмаслиги ва озук сифатининг биологик қиймати пастлиги (таркибида лизин етишмаслигидан) Россия ва хамкорлик мамлакатларида чорвачилик маҳсулдорлигини паст бўлишининг асосий сабаларидан деб билади.

Высокобелковые корма.

А.Ли, С. Мўминовлар (2004) кейинги йилларда, чорва ҳайвонларини қиши

даврида боқишда протеин манбайи сифатида беда пичани етиштириш жуда пасайиб кетганилиги хақида ёзадилар.

Республикамиз бўйича 2004 йилда 107 минг га эски бедапоя ва 59 минг га янги бедапоя мавжуд экан. Бу эса жуда кам муаллифлар дала алмашлаб экишда бедадан кенг фойдаланиш зарурлигини уқтирадилар.

А.Д. Синешековнинг (1961) айтиши бўйича кавшовчи ҳайвонлар катта қоринда истеъмол қилинган озиқанинг мухитидан қатий назар хамма вақт мухит РН-6,5-7,5 атрофида бўлади. Бу эса бу ердаги микроорганизмларнинг нормал ривожланиши учун жуда зарурдир. Катта қоринда мухитининг доимий бир хил бўлишини, хар минутда ўртача 5-7 маротаба рўй берадиган катта қорин ва тўр қориннинг тўлқинсимон ёйилиб борадиган пересталтик харакати тамиnlайди. Меъдада микроорганизмларнинг фаолиятидан углеводлар парчаланиб сирка, ёғ, пиво узум сингари учувчан ёғ кислоталари хосил бўлади. Булар катта қоринда қисман суст кислотали мухит хосил қиласди. Меъда харакати натижасида суст ишқорий мухитга эга бўлган сўлак билан катта қориндаги суст кислотали мухитга эга бўлган химус (аталасимон озиқа массаси) аралашувидан хамавақт катта қоринда РН=6,5-7,5 бўлиши таъминланади. Лекин шуни айтиш керакки, ҳайвонлар дам олаётган вақтда катта қоринда микрофлораларнинг фаолиятидан кислотали мухит ортиб кетиши мумкин, чунки ишқорий мухитга эга бўлган сўлак ҳайвонларда холосгина чайнаш вақтида ажралади.

Ҳайвонларни боқишда ва айниқса қиши даврида боқишда рационда протеиннинг ахамияти хақида жуда кўплаб илмий ишлар ўтказилган. К/ҳ ҳайвонлари меъда ичак тузилишида протеиннинг хазм бўлиш жараёни хазм бўлган қисмини қонга сўрилиши ва қон орқали хужайра ва тўқималарга бориб организмда модда алмашинув жараёниданги ахамияти кавшовчи ҳайвонларнинг меъда олди бўлимларида катта қорин химусидаги микроорганизмлар томонидан протеинлари хазм бўлиш жараёни, меда олди бўлимларда РН нинг 6,5-7,5 га teng бўлиши ва рационда қанд микдорининг норма талаблари даражасида бўлишининг ахамияти хақида хам Р. Хамроқулов (1999) батавсил маълумотлар беради. Хазм бўлиш жараёнининг нормал кечувида протеиннинг меда олди суюқлигига

эрийдиган фракцияси 35-45% дан ошмаслигининг ахамияти хам каттадир. Агар бу кўрсаткич 65-75% бўлганда кўплаб протеиннинг аммиак гази холатида исроф бўлиш хам муаллиф томонидан яхши ёритилган.

Академик А. Имомалиевнинг (1987) тақидлашича, хар хил биологик обьектларда 150 дан ортиқ аминокислоталар борлиги аниқланган. Лекин улардан 25 таси ҳайвон танасида кенг тарқалган ва уларнинг кимёвий хамда биологик хоссалари кенг ўрганилган. Организмда хаётий жараённи бир меъёрда кечиши учун бу аминокислоталарнинг ахамияти турличадир ва бу муаммо охиригача хал этилмаган. Бизга маълумки, баъзи бир аминокислоталар ҳайвон организмida етарлича синтезланади. Бундай аминокислоталарни хаётий зарур бўлмаган аминокислоталар дейилади. Бошқалари эса организмда кам синтез қилинади. Бундай кавш қайтармайдиган ҳайвонлар рационида бу аминокислоталар миқдорини хар доим назорат қилиб бориш керак. Кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг (корамол, қўй, эчки) меъда олди бўлимларида яшайдиган турли хил бактериялар, инфузориялар ва бошқа бир хужайралик микроорганизмлар ўзлари учун керак бўлган хаётий зарур аминокислоталарни ва сувда эридиган витаминалар гурухини синтезланадилар. Шунинг учун кавшовчи ҳайвонларда хаётий зарур аминокислоталар ва В гурух витаминалар миқдори назорат қилинади.

Озуқлар таркибидаги протеиннинг биологик тўла қимматлилигига эга баҳо беришнинг хар хил усуллари мавжуддир дейди. Р. Хамроқулов (1999) улардан бири протеин таркибидаги хаётий зарур аминокислоталар миқдоридир. Кенг тарқалган бошқа усул акад. М.И. Дъяковнинг ёш ўсаётган молларда азот балансига асосланган формуласидир. Бу формула бўйича протеиндан фойдаланиш коэффициенти.

$$\frac{N \text{ озуқа} - (N \text{ тезак} + N \text{ сийдик})}{N \text{ озуқа} - N \text{ тезак}} \cdot 100$$

Бунда протеиндан фойдаланиш коэффициенти қанчалик юқори бўлса шунчалик протеиннинг биологик тўлақимматлилигини юқорилигини билдиради. Биз бу ишда протеинларга ва оқсилларга қисқача тавсиф бердик холос. Бундай маълум бўлишича организмда ёғлар углеводлардан хам хосил бўлишини биринчи

бўлиб Н.П. Чирвингкий (Г.А. Богданов 1990) кашф қилди. Лекин оқсиллар организмда фақат азотли моддалардагина хосил бўлади. Шунинг учун хам барча турдаги ҳайвонлар ва паррандалар рационида протеинларнинг миқдори (тозаланмаган ва хазм бўлувчи протеин, хаётий зарур аминокислоталар) назорат қилинади.

2.3. Сигирлар рационида протеиннинг ахамияти

Н.И. Стреказов, Л.Л. Каморовлар (2001) ларни ёзишича сигирларни тўла қимматли озуклантириш, айниқса рационини протеин билан баланслаштириш уларнинг генетик мўлжалланган маҳсулдорлигини рўёбга чиқаришда хал қилувчи ахамиятга эга экан.

Ю. Рубаннинг (2003) фикрича, молларни маҳсулдорлик кўрсаткичлари кўп жихатдан уларнинг генетипига боғлиқ бўлади. Лекин бу генотини потенциал имкониятини рўёбга чиқаришга уларни тўлақимматлиги озуклантириш, айниқса протеинга бўлган талабини қондиришга боғлиқ. Р.Г. Алиев, А.Б. Алипхановлар (2005) фикрига кўра, юкори маҳсулдорли сигир организми турли ташки иқлим шароитига таъсирчан бўлади ва табиий чидамлилигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан қутилишнинг асосий омили бўлиб уларни тўлақимматли рационлар асосий тўйимли моддалар билан бир қаторда тўлақимматли протеинлар билан таъминлаш хисобланади. Катта ёшли кавшовчи ҳайвонларда жумладан қорамолларда меда олди бўлимлари яхши ривожланган бўлиб истеъмол қилинган озуқалар таркибидаги протеин, углеводлар, шу жумладан тозаланмаган клетчаткалар ва қисман ёғларни парчаланмайдиган ферментлар бу бўлимларда ишлаб чиқарилмайди. Катта қорин, тўрқорин ва ширқоринларда яшовчи микроорганизмлар озуқалар таркибидаги органик моддаларни ўзлари ажратадиган бактериал ферментлар ёрдамида парчалайдилар деб уқтиради. Р. Хамроқулов (1999).

Биз қисқача меъда олди бўлимларида протеинларни парчаланиш жараённи кўриб чиқамиз. Даставвал катта қоринда бактериялар ажратадиган протеинда

ферментлар комплекси тозаланмаган протеинларни полипептид белбогини узадилар ва натижада полипептидларга пептидаза ва полипептидаза ферментлар гурухи таъсир этиб уларни 2-3 аминокислоталардан ташкил топган олипептидлар ва дипептидларгача парчаланади.

Учинчи навбатда эса уларга дипептидаза ва олегопептидаза ферментлар таъсир этиб аминокислоталаргача парчалайдилар деб таъкидлайдилар. Р. Хамроқулов (1999) хосил бўлган аминокислоталарни бир қисмини бактериялар ўз тана оқсилини синтез қилиш учун сарф қилсалар қолган кераксиз аминокислоталарни бактериялар аммиаккача парчалайдилар.

Хосил бўлган энергияни организм ўзлаштиради. Аммиак эса қисман қон орқали буйракка орқали сийдик билан ажратилади. Аммиакнинг қолган қисмини бактериялар ўз танаси учун керак бўлган амминокислоталарни синтезлашда ишлатадилар ва бу амминокислоталардан тана оқсилини синтез қиладилар. Агар катта қорин мухити нейтрал ($\text{РН}=6,5-7,5$) бўлиб протеиннинг сувда эрийдиган фракцияси кўп бўлса (у нормал холатда 35-45%) протеин кўплаб парчаланади ва оқибатда хосил бўлган аммиакнинг бир қисмини бактериялар ўзлаштирадилар холос қолган аммиак эса қон орқали жишарга келиб ундан мочевина хосил бўлади ва натижада кўплаб протеинни аммиак холида исроф бўлишига олиб келади. В.В. Цюпконнинг (1987) фикрича, протеиннинг катта қоринда эрийдиган фракцияси рационидаги озуқалар турига боғлиқ бўлиб ўртacha қишки рационда бу кўрсаткич 65-75% га, ёзги рационда эса (айниқса рационда дуккакли ўтлар кўк бўлса) протеиннинг сувда эрийдиган фракцияси 75-85% бўлиши мумкин. Бу ўринда М. Гизлернинг (Г.А. Богданов 1981, 1990 дан) протеиннинг парчаланганидан хосил бўладиган аммиакнинг исроф бўлиши ва микроорганизмлар томонидан фойдаланиш хақидаги маълумотлар қизиқарлидир. (1 жадвал)

2-Жадвал

Катта ёшли қорамолларнинг катта қорнида протеиннинг парчаланиши,
ишлатилиши ва исроф бўлиши хақидаги М. Гизлер маълумоти
(Р. Хамроқуловдан олинган)

	Озуқ тури	Протеин микдори, %	Катта қоринда парчаланган, %	Исроф бўлган, %	Микроорганизмлар томонидан ишлатилади, %
	Беда пичани	17,3	60	45	15
	Арпа дони	13	40	1	39
	Маккажўхори силоси	8,1	40	0	40
	Маккажўхори дони	10	40	0	40
	Пахта шроти	45,7	60	49	11
	Зифир шроти	38,6	60	47	13
	Соя шроти	51,1	60	50	10
	Сули дони	13,2	40	1	39
	Жўхори дони	11,7	40	0	40
0	Буғдой дони	12,0	40	0	40
1	Меласса	4,3	60	0	60

Олинган бўрдоқидаги қорамоллар катта қоринда хар хил озуқалар таркибидаги протеиннинг парчаланишдан хосил бўладиган аммиакнинг исроф бўлиши ва микроорганизмлар томонидан фойдаланиш хақидаги маълумотлар кўринишича.

Бази озуқаларнинг парчаланишдан хосил бўлган протеин мутлоқ исроф бўлмайди. Масалан арпа дони протеинда исроф бўлиш-1%, маккажўхори дони ва

маккажүхори дони ва маккажүхори силоси протеини, жүхори дони, буғдой дони ва меляса таркибида протеин мутлоқ исроф бўлмайди.

Бази бир озуқалар тажрибадаги протеиннинг катта қорин суюқлигига эрийдиган протеиннинг кўп қисми исроф бўлади. Масалан, беда пичанида бу кўрсаткич 45%, пахта шротида 49%, зифир шротида 47%, соя шротида бу кўрсаткич 50% ни ташкил қилган.

Шунинг учун хам рациондаги протеиннинг катта қорин суюқлигига эрийдиган фракциясини ошиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди.

Протеиннинг аммиак холатида исроф бўлишининг камайтириш чораси протеинни катта қорин суюқлигига эрийдиган фракциени меёрда бўлишини (35-45%) таъминлаш билан бир қаторда микроорганизмларнинг дуркун ривожланиши учун яхши шароит яратишдир.

Бунинг учун рационда юқоридаги омиллар билан бир қаторда, етарли миқдорда енгил хазм бўлувчи углеводлар макро ва микроэлементлар хам етарли миқдорда бўлишини таъминламоқ зарур.

Пирсон ва Смитлар (1943) томонидан катта қорин химусидаги бактериялар ажратадиган уреза ферментини топилиши ва катта қоринда аммиак хисобига яшайдиган бактериялар турини кашф қилиниши кавшовчи ҳайвонлар рационида кенг кўламда азотли бирикмалардан фойдаланиш имконини туғдиради. Бу ўринда Г.А. Алексиванинг (1971) рацинода протеин етилмагандан кавшовчи ҳайвонларнинг протеинга бўлган талабини 25-30% озук сифатида ишлатиладиган карбамид ($\text{CO} (\text{NH}_2)_2$) эвазига тўлдириш мумкин деган фикрни эслаш мумкин. Муаллифнинг фикрига кавшовчи ҳайвонлар рационида карбамиддан фойдаланиш уларнинг махсулдорлигидан 10-20% га оширади ва озук сарфини 13-18% камайтиради.

Карбамид таркибида 46% N бор. Демак шу турдаги бактериялар ажратган уреза фермнти таъсирдан кабамидни парчаланишдан хосил бўлган аммиакни бактериялар ўзлаштириб ўз танаси учун керак бўлган оқсилни синтез қилиш зарур бўлган аминокислоталарни синтезлашда ишлатадилар. Шундай қилиб 100 г карбомиддан ҳайвон организмида, 260 г оқсил синтезланади. Бактерияларнинг

кушандаси бўлган инфузориялар эса бактериялар танасидан оқсилдан биологик тўла қимматли оқсилларни синтез қиласидиган. В.В. Цюпконнинг (1997) фикрича инфузориялар танасидаги оқсилнинг 80% биологик тўла қимматли оқсилдир. Конга сўрилган аминокислоталарнинг бир қисми тўқималарга барча улар парчаланиб глюкоза синтез қилинади. Бу жараённи глюконеогенез дейилади. Н.В. Куриловнинг (1991) таъкидлашича ўртача сутдорликдаги соғин сигирларда организмда хосил бўладиган глюкозанинг 21% глюконеогенез хисобига хосил бўлади.

Катта ёшли қорамолларда эса ЭПН деганда рациондаги N сиз моддалардан хазм бўлган қисмини хазм бўладиган ёғ микдорини 2,25 коэффициентига кўпайтирилади чунки ёғнинг энергетик қиймати хазм бўладиган (ХБ) клечатка ва АЭМ га қараганда 2,25 маротаба кўпdir.

Шундай қилиб агар 1 улуш протеинга булушгacha протеин бўлмаган хазм бўладиган органик моддалар тўғри келса бундай протеин нисбатини тор протеин нисбати дейилади. Бунда протеин микдори нормада ортиқча бўлиб бу ўсаётган моллар учун хосдир.

Агар 1 улуш протеинга 6-8 улуш протеин бўлмаган хазм бўладиган органик моддалар тўғри келса бундай холат нормал холат хисобланади. Агарда 1 улуш протеинга 8 улушдан кўп азотсиз моддалар тўғри келса бу холатни кенг протеин нисбати дейилади. Бу холда қўпинча рационда ХБ протеин микдори етишмаслигидан далолат беради.

Каршунов В.Н. (1999) ёзадики, юқори маҳсулдорли сигирларни генетик потенциални рўёбга чиқаришда хал қилувчи фактор озуқ таркибидаги оқсил дифицитини бартараф қилишдир дейди. Ҳайвонлар рационида протеинга бой озуқаларни кўпайтириши билан бир қаторда уни ҳайвон организмida хазм бўлишини хам яхшилаш керак. Бунинг учун рацион таркибида сувда эрийдиган протеин фракцияси 50% дан ошмаслиги керак дейди. Проф. Головани Д.М. бошқалар (2004) карбомиддан фойдаланишни хатарсиз усулини таклиф қилдилар. Улар таркибида 55-60% карбомид бўлган брикетни тайёрлашни тавсия қиласидилар ва катта ёшли моллар уни ялаб истеъмол қиласидилар.

Новгород давлат университети олимлардан В.В. Пничева ва бошқалар (2002) турли йўнғичка навлари илдизида азот тўплаш имкониятини оширадиган микроорганизмлар штамларидан фойдаланишни тавсия қиладилар. Тажрибадаги маълум бўлишига баъзи штамплардан фойдаланиш натижасида 1 га беда майдонида 78-80 кг қўшимча тозаланмаган протеин олинган, 348 А штампли Воловский 86 навли бедада катта эффект бериб 1 га бедапоядан қўшимча 157 кг тозаланмаган протеин етиштириш имконини берди. Бу эса 100 сигини 1 кунлик протеинга бўлган талабига тенгdir.

А. Ланраус (2004) хамкорлик мамлакатларда чорва молларни қиши фаслида боқища протеинни етиштиришмаслиги ва озук сифатининг биологик қийматини пастлиги (асосан таркибида лзин етишмаслиги оқибатида) Россия ва бошқа хамкорлик мамлакатларида чорва молларининг махсулдорлигини пасайиб кетишинининг асосий сабабидир деб билади. А. Ли ва С. Мўминовлар (2004) нинг ёзишича кейинги йилларда чорва молларини қиши даврида боқища протеин манбаи сифатида беда пичанининг алоҳида ахамияти борлигини такидлаб, бедапоялар жуда қисқариб кетганлиги хақида гапирадилар. Муаллифларнинг ёзишича, Ўзбекистон бўйича 2004 йилда 170 минг га эски бедапоя ва 59 минг га янги бадапоя мавжуд экан. Бу эса жуда кам. Сигирлар сутдорлигини пасайиб кетишининг асосий сабабларидан бири хам шудир. Шунинг учун пахтачилгида дархол дала алмашлаб экиш тизимининг қўллашни тавсия қиладилар.

3 жадвал

Назорат ва тажриба гурухидаги сигирларнинг кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	Назорат	Тажриба
Ўртacha кунлик сутдорлик, кг	18,270,34	19,5±0,44
Сутнинг ёғдорлиги, %	4,61	4,69
4% ёғдорликдаги сут, кг	20±0,35	21,4±0,35
Вазн қўшиш	9,1±3,8	9,17±3,8

А.А. Рацене (2004) нинг ёзишича, соғин сигирлар рационида (1 кунлик сутдорлиги 23 кг 4% ёғдорликда) рацион тўйимлилигининг 19,2% пахта шроти

бўлган. Тажриба гурухидаги сигирларда бунинг 9,6% ини озуқбоп ачитқи билан рационнинг протеинли ва витаминли тўйимлигини янада ошириш мақсадида алмаштирилган. Натижада қуйидаги маълумотлар олинган.

Олинган маълумотлардан кўринишича озиқабоп ачитқи истеъмол қилган сигирларда кунлик сутдорлик 1,4 кг (4% ёғдорликда) сутнинг ёғдорлиги 0,21% га кўп бўлган, лекин вазн қўшимча эса 50% кам бўлган.

Макарцев Н.Т. ва бошқалар (1999) протеиннинг сувда эрийдиган (кatta қорин суюқлигига эрийдиган) фракцияси паст бўлган омиҳта емдан соғин сигирлар рационида фойдаланишга доир илмий ишлаб чиқариш тажрибаси Калужиский вилоятининг М. Горький номли наслчилик номли наслчилик хўжалигига ва “Варсино” номли наслчилик совхозида ва Москва вилоятининг “Норо-Осановский” наслчилик экспериментал хўжаликларида II-IV лактацияда, сутдорлиги 5500-6000 кг бўлган қора-ола зот сигирларда ўтказилган тажрибани кўриб чиқамиз. Бунинг учун 3 та гурух ташкил қилиниб I гурухдаги сигирлар к-60-1 стандарт омиҳта ем истеъмол қилганлар бу омиҳта емдаги ем истеъмол қилганлар протеиннинг катта қорин суюқлигидаги эрийдиган қисми 75,6% ни ташкил қилган. II гурухдаги сигирлар 1- тажриба гурухи бўлиб к-60-7 маркали таркибида маккажўхори дони, соя шроти, глютен бўлиб бу омиҳта емнинг катта қоринда эрийдиган фракцияси 47% га teng бўлган. III гурухдаги сигирлар 2- тажриба гурухи хисобланиб уларнинг истеъмол қилган озуқаларнинг (омиҳта емдаги) енгил хазм бўлувчи протеинларга, кунгабоқар кунжараси кўп бўлган. Бу к-60-8 маркали омиҳта емнинг катта қорин суюқлигига эрийдиган франкцияси 57,7% га teng бўлган. Шундай қилиб 95 кунлик хисоблаш даврида I-II-III гурух сигирлар истеъмол қилган тозаланмаган протеин микдори, уларнинг сувда эрийдиган фракцияси ва сутдорлик хақидаги маълумотлар қуида З жадвалда келтирган.

Олинган маълумотлардан кўринишича, агар I, II, III- гурухларида омиҳта емни таркибидаги протеиннинг катта қорин химусида эрийдиган фракцияси 75,6- 47%-57,7% бўлган бўлса, бутун рациондаги протеиннинг эрийдиган қисми I, II, III- гурух сигирларда мос равища 75,4%-63,3%-70,5% ни ташкил қилган. энг

юқори кунлик сутдорлик хам (4% ёғдорликдаги) II гурухдаги протеиннинг эрийдиган фракцияси энг паст яъни 63,3% бўлганда юз берган. Шундай қилиб озуқадаги протеин сифатини яхшилаш, яъни катта қорин суюқлигига эрийдиган фракциясини камайтириш хисобига сутдорликни 8-14% ошириш мумкин экан.

4-жадвал

Тажрибадаги сигирларнинг асосий кўрсаткичлари.

Гурухлар	Рациондаги тозаланмаган протеин миқдори, г	Сувда эрийдиган фракцияси, %	Ўртча кунлик сутдорлик, кг
1- Назорат	2991	75,4	24,81
2- Тажриба	2943	47	27,81
3- тажриба	3001	70,5 57,7	26,45

Ш.А. Акмалхонов, М. Мирхидоятовлар, Г.И. Алексева ва бошқалар (1987) хулосасига кўра сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва пуштдорлик хусусиятларига иссиқ иқлим шароитлари сезиларли таъсир кўрсатадига. Бу таъсирнинг салбий натижаларини олдини олиш шароитларини яхшилаш билан бир қаторда уларни тўла қимматли рационлар билан бокиши бунда эса асосий эътибор рационни протеинли тўйимлилиги оширишга қаратилиши керак. М.И. Амиров (1994) тадқиқотларида Ўзбекситон шароитида қора-ола зот сигирларни голштин зотига мансуб буқалар билан чатиштиришдан олинган қатъий назар уларни протеин баланслаштирилган тўлақимматли рационлар билан боқилганда соф қора-ола зотли тенгқурларини сут маҳсулдорлиги бўйича I- лактацияда 370-432 кг, III ва IV лактацияда 432-573 кг узганлиги кўрсатилган, шунингдек бунда дурагай сигирлар 1 кг сут ишлаб чиқариш учун I- лактацияда 3,5-13,0, III ва ундан юқори лактацияда эса 2,7-10,6% кам озуқ бирлиги сарфланган.

Бўрдоқидаги корамолларни озиқлантиришда озуқанинг протеинли тўйимлилиги устида илмий изланишлар олиб борган. М.Ф. Томмэ (1958) бичилган бўрдоқидаги қорамоолар учун протеинли тўйимлилик нормасини

яратишда сут хосил бўлиши учун, махсулот хосил бўладиган протеин нормасини 50-60% ини протеиннинг фойдаланиш коэффициенти деб атади.

Ёш молларни айниқса, насл учун ўстирилаётган буқаларни боқишда 1 озук бирлигига 145 г хазмланувчи протеин кераклиги хақидагива ёш моллар рационининг протеин билан баланслаштириш нақадар зарурлиги хақида Р. Хамроқулов (1999) хабар беради.

Ёш молларни айниқса, насл учун ўстирилаётган буқачаларни боқишда баланслаштириш нақадар зарурлигини айтди.

Л. Ланраус (2004) хамкорлик мамлакатларида қорамолларни қиши фаслида озуклантиришда протеиннинг етишмаслиги, озук сифатини паст бўлиш бу мамлакатларда махсулдорликнинг пасайиб кетишга асосий сабаблардан бири эканлигини таъкидлайди.

2.4. Ёш ва бўрдоқидаги қорамоллар рационида протеиндан фойдаланишда доир адабиётлар тахлили

Ёш қорамолларда меъда олди бўлимлари микрофлораси хали яхши такомиллашмаган бўлади. Шунинг учун хам уларнинг холос тозаланмаган ва хазмланувчи протеинларга бўлган талабинигина хисобга олиб қолмасдан айrim аминокислоталарга бўлган талабарини хам хисобга олишимиз кераклигини Р.Х. хамроқулов таъкидлайди (1999) шу фикрни таъкидлаб Н.А. Шманенков (1970) айтадики, 2 ойлик ёшигача бузоқлар айrim аминокислоталарга муҳтожлик сезганда ва уларнинг рациондаги миқдори назорат қилишингизни кераклигини таъкидлайди.

Жадвалдан кўринишича ёш бузоқларда меъда олди бўлимлари яхши такомиллашмаган ва шунинг учун ўртacha 2- ойлик бузоқлар лизин, метионин, цистин, аргинин триптофан арганин, валин, глицин, гистидин глутомин, лейцин, изолейцин, серин, промин, треонин, фениаланин ва митрозин аминокислоталарига муҳтожлик сезадилар. Бу аминокислоталар миқдорини ёш бузоқлар рационида

назорат қилиш даркорлигини уқтиради. 2- ойгача бўлган бузоқларнинг турли хил аминокислоталарга бўлган талаби.

5-Жадвал

2 ойгача бўлган бузоқларнинг турли хил аминокислоталарга бўлган талаби.

Аминокислотала р	Талаб қилинади, %		Аминокислоталар	Талаб қилинади, %	
	Куруқ модда да	Тозаланмага н протеинда		Куруқ модда да	Тозаланмага н протеинда
Лизин	2,12	7,8	Лейцин		
Метионин	1,48	2,0	Изолейцин	1,31	14,5
Цистин	0,38	3,4	Изолейцин	0,54	4,3
Аргинин	1,62	2,5	Серин	2,85	10,6
Триптофан	0,25	1,0	Пролин	2,85	10,6
Аланин	1,18	3,4	Треонин	0,92	4,8
Валин	2,62	5,5	Фенилаланин	1,03	3,8
Глицин	3,5	2,0	Тирозин	0,54	4,4
Гистидин	0,67	3,2			
Глутолин кислотаси	1,29	13,0			

Бу аминокислоталарнинг ёш бузоқлар организмидаги функцияси устида тўхталмаймиз, чунки бу маълумотлар бизга бикимё ва физиология курслардан маълум. Биз бу ерда қисқача Е.А. Петухованинг (1990) ёш қорамоллар организмида узоқ вақт протеин етишмаслигидан ва аминокислоталик тўйимлиги талабга жавоб бермаслиги оқибатда келиб чиқадиган нормал ўзгаришлар хақида қисқача тўхталамиз. Протеин етишмаслигидан ёш молларда жинсий хужайраларни нормал фаолиятини бузилади, уруғ сифати ва миқдори камаяди. Ёш моллар куйикишга келиши кечикади, цикли бузилади, оталаниш ва оталантириш қобилияти бузилади. Кўпинча қисир қолиш, бепуштлик холлари учрайди. Баъзан хомила буғозликнинг бошларидаёқ сўрилиб кетиши, нимжон

ўлик туғилиш холлари ёки хаётчанлик паст бўлган бузоқлар туғилиши мумкин. Ёш эркак молларда моякларнинг ривожлантиришдан орқада қолиши кичкина моякли бўлиб қолиш холлари учрайди. Ёш моллар ўсиш ва ривожланишдан орқада қоладилар махсулдорлиги пасаяди ва организмнинг касалликларга қарши кучи пусаяди.

Узоқ вақт давомида протеиннинг меъёридан ортиқ бўлиши организмда модда алмашинувини бузилишига азотдан фойдаланиш самарадорлигини пасайишга хамда озуқадан фойдалниш самарасини пасайишига олиб келади. Баъзан пуштсизликка олиб келади.

Ёш бузоқлар рационида хаётий зарур аминокислоталарни етишмаслиги иштаха пасайишига ўсишдан орқада қолишга ва баъзан умуман ўсишдан орқада қолишга ва баъзан умуман ўсишдан орқада қолишга олиб келади. Бундан ташқари нерв системаси ва ички секреция безлари фаолиятининг бузилишига ва бола бериш қобилиятининг пасайишига сабаб булади.

Ёш қорамоллар рационига катта қорин суюқликлигига эрийдиган протеиннинг бўрдоқидаги буқачаларда озуқанинг хазм бўлиши жараёнида органик моддаларнинг хазм бўлиш коэффициентига ва озуқадаги IV дан фойдаланиш даражасига таъсирини И.П. Духин (1999) ва бошқалар ўргангандар. Бунинг учун Россия чорвачилик илмий тадқиқот институтининг озук хазм қилиш лабораторияда ахта қилинган ва катта қоринда фестуласи бўлган новвосларда ва сигирларда тажриба ўтказадилар. Натижада рационида протеиннинг 10% ни ҳайвон протеини (катта қорин суюқлигига эриш даражаси паст бўлган) билан алмаштириш уларда озуқнинг хазм бўлишини ва азотдан фойдаланиш даражасини оширди.

Н.В. Казалов (2005) томонидан омихта еми таркибида 24% маккажўхори қўшиш оқибатида озуқнинг хазм бўлиш яхшиланган, азотнинг исрофи камайган (IVH_3 холида), аминокислоталар синтези яхшиланган, хамда клетчатка ва протеиннинг хазм бўлиш даражаси яхшиланиб, протеиннинг катта қоринда парчаланишдан хосил бўлган азотнинг (аммиак холида) ахта қилинган буқачалар сингдирганлар.

С.Т. Лецишин ва Л. С. Разановлар Бутун иттифоқ гўштдор қорамолчилиги институти экспериментал хўжалигига герефорд буқачалари устида иш олиб бориб 10 ойлик буқачалари 15 ойлик ёшигача бўрдоқига боқганлар.

Назорат ва тажриба гурухидаги буқачаларнинг рацион тўйимлиги ВЧИТИ нормасига асосан тажриба гурухидаги буқачаларга концентрат озуқнинг 0,5 кг ни институт олимлари тузган премикс билан алмаштирилган. Бу премикснинг 1 кг да 0,97 ОБ, 9,46 мЖ АЭ, 0,86 кг қуруқ модда, 270 г ХБ протеин бўлган.

Олинган маълумотлардан кўринишича тажрибадаги буқачалар рационида концентрат озуқнинг 0,5 кг ни ОВМҚ (оқсили витаминли минерал қўшимча) билан алмаштириш эвазига рациондаги протеиннинг биологик тўлақимматлилиги ошган ва оқибатда хар бош буқачадан 1 кунда 244 г дан хар бош буқачадан қўшимча ўстиришга эришганлар ва 1 кг ўсиш учун назорат гурухидаги буқачалар 8,15 ОБ тажриба гурухидагилар эса 6,39 ОБ сарф қилганлар.

Г. Аббосов ва А. Абдурасоловлар (2004) хам подани тўлдириш учун ўстирилаётган буқачалар рационида янги технология хақида хабар бериб ёш насл учун ўстирилаётган буқачаларнинг 1 кг ўсиши учун 7,75 озуқ борлиги ва 1103 г хазмланувчи протеин тўғри келиши кераклиги хақида хабар бериб, хар 1 озуқ бирлиги учун 142 г хазмланувчи протеин тўғри келганда улар яхши ўсиб ривожланиб ва улар хақида хабар берадилар. У. Куччиев (2006) 1 гурухдаги молларда 1 озуқ бирлигига 126,3, II- гурухда 127,1, III- гурухда- 126,7 г ва IV- гурух молларда- 126,8 г хазмланувчи протеин сарф бўлмаганда улар сермаҳсул бўлганлигини қайд қиласади.

3. Асосий хulosалар ва ишлаб чиқаришга таклифлар

Биз қорамолларни боқища протеиннинг ахамиятига доир адабиётларни таҳлил қилиб битириув малакавий иш бажардик. Бажарилган иш бўйича асосий қўйидаги асосий хulosаларни келтиришни лозим топдик.

1. Протеиннинг ҳайвонлар организмидаги роли бекиёс каттадир. У организмда холос протеиндагина синтез бўлади. Организмдаги хаётий жараёнларини оқсилсиз тасаввур хам қилиб бўлмайди.

2. Юқори сутдорлиги (5000-6000 кг) сигирлар рационида хазм бўлган протеин микдори билан бир қаторда протеиннинг меъда суюқлигига эрийдиган франциясининг кўрсаткичи хам катта роль ўйнайди. Агар бу кўрсаткич 35-45% бўлганда протеиннинг (NH_3) аммиак холатдаги исроф бўлиш минимал бўлади.

3. 2 ойликкача бўлган бузоқларни боқища хазмланувчи протеинга бўлган талабни қондириб қолмасдан уларни айрим аминокислоталарга бўлган талабини хам хисобга олиш лозим экан.

Ишлаб чиқаришга таклифлар

Қорамолларни боқища протеиннинг ахамиятига доир илмий адабиётларни таҳлил қилиш бўйича бажарилган илмий иш якунидан биз ишалб чиқаришга қўйидаги таклифни келтирамиз.

Софин сигирлар рационида протеиннинг умумий микдорини назорат қилиб қолмасдан унинг меъда суюқлигига эрийдиган фракциясини хам хисобга олиш зарур экан. Агар бу кўрсаткич 45-50% дан кўп бўлмаса азотдан фойдаланиш коэффициенти юқори бўлиб унинг аммиак холдаги исроф бўлиш камаяди ва унинг хисобига сутдорлик 8-14% ошар экан.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Чорвачилиқда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида Вазирлар махкамисининг қарори. Тошкент март 1996 й.
2. Абосов Г., Абдурасулов А. Пода тўлдиришнинг янги технологияси. Узб. к\х, журнали. N 12. 2004 й.
3. Алексева Г.А. Рекомендация по пользованию синтетической мочевины и обесторенного фасфата при кормление овец в условиях постбышнего содержание в преугорногорной зоне. Т. 1971 й.
4. Акмалхонов Ш.А., Мирхидотов М. Технологические особенности производства молока в Узбекистане. Ж. Живодноводства N 8. 1987.
5. Алексева Г.А. Рекомендация по использованию синтетической мочевины и обесфторенного фасфата при кормление овец в условиях пастбышного содержания в преугорногорней зоне. Т. 1971.
6. Аширов М.И. Научные основы и практические приемы совершенствование пееменных прокдуктовых качеств черно пестрого скота в условиях жаркого климата. Дисс. на соиск. д. с/х.н. Т. 1994.
7. Алиев П.Г., Алипханов А.Б. Особенности коров красной етепной породы и их помесей. Ж. Зоотехния N2 2005 й.
8. Богданов Г.А. Кормление с/х животн\х. М. 1990 й.
9. Духин И.П. и др. Влияние расшиплямости протеина в рационах крупного рогатого скота на птицевариние и условоение питательных веществ. М. 2004.
10. Имомалиев А. Ўсимликлар биокимёси. Т. 1987 й.
11. Коршунов В.Н. Использование азота корма жвачний в зависимости от качества протеина. Ж-л. “Зоотехния”N9. 1989 й.
12. Стрекозов Н.И. и др. Пути итенсификации производство говядины. Ж-л. Зоотехния N9. 2005.

13. Рубан Ю.Д. Перспектива развитие селекционной науки в животноводстве. Ж. Зоотехния N1. 2003.
14. Томме М. Ф. норма и рационы кормления сельхоз животных М. 1961.
15. Козлов В. Н. влияние включений в состав комбикорма кукурузной муки на использований азота у племенных бычков ж-л“зоотехник” И8 2004г
16. Ли.А мушнова. Производство семян люцерны. Ж-л с\х узб-на И7 2004г.
- 17.Лифраус Л. Высокобелковные корма ж-л с\х Узб-на И7 2004г
- 18.Леушн С.Г. разанова Л.С БВМД в рационах племенных бычков. Новое в кормление высокопродуктивных жив. Х.м. 1999 г.
- 19.Макарцев Н.Г.Идр.Использование комбикормов с пониженным содержанием протеина. Новое в корм высокопр.жив-х м-1999г
- 20.Петухова Е.к практикум по кормлению с\х животных М.1990й
- 21.Паловани Д М безопасный способ применения карбамида ж-л зоотехний И 9 1989.
- 22.Тничева В.В. увлечение протшновое питавоетаев.ж-л зоотение И8 2002
- 23.Цюпко В.В методические рекомендации по генетическому и белковому питанию К.Р.С Харков 1987
- 24.Хамроулов Р. Карабаев Қишлоқ хўжалик хайвонларини озиқлантириш. Т.1999 й.
- 25.Шубин А.А. Палсакова Н.Л. Применение антиоксидантов и синтетического метионина в корма для высокопродуктивных животных. М. 1999.
26. Янгльс Д Анти Диоринг Уз.дав.нашр 1957й 103 бет.
27. Мария Ярашенко магстр МВА, сотрудник НИИ АК. Интернет маълумоти 01.10.2013 й.